

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАМАЗОВА ЮЛДУЗ МУЗАППАРОВНА

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Намазова Юлдуз Музаппаровна XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафаси.....	3
Намазова Юлдуз Музаппаровна Философия образования в Туркестане в конце XIX - начале XX веков.....	23
Namazova Yulduz Muzapparovna The philosophy of education in Turkestan in the late XIX - early XX centuries	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАМАЗОВА ЮЛДУЗ МУЗАППАРОВНА

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тенденцияси табиий жараён сифатида умумбашарий ўзгаришлар динамикасини ифода этмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим тизимини янада такомиллаштиришга интилоқда. Таълим мамлакат раванқига фаол таъсир этувчи ижтимоий жараён сифатида эътироф этилаётгани, таълим тизимига ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бориш натижасида иқтисодий жиҳатдан катта ютуқларга эришилаётгани ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтан назардан дунё ҳамжамиятида таълим фалсафаси мамлакат истиқболини, келажак тараққиётини белгилаб берувчи етакчи восита эканлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида XIX аср охири XX аср бошларидаги таълим тизими ислохотларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти, инновацион таълимни жорий қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар онтология, гносеология, аксиология, праксиология, методология, мантик, этика, эстетика каби фанлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Шу нуқтан назардан Шарқ халқларининг таълимга асосланган мустамлакачиликка қарши кураши усуллари ва дастурларидан самарали фойдаланишга интиланлиги, интеллектуал бойликни эгаллаш мақсадида ёшларни Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга ўқишга юбориш, Шарқ тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини ўрганиш зарурати ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам долзарб вазибалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий таълим тизимини ривожлантириш мақсадида таълим жараёни тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, унда дунёвий илм асосларидан таълим берилмоқда. «Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда»¹. Шунингдек, жадидлар томонидан илгари сурилган ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, улардан бугунги кундаги қатор муаммолар ечимида фойдаланиш мумкин. Шу боис, жадид маърифатпарварлари илмий – маънавий меросини, ғояларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, ёшларимиз онгига сингдириш кўплаб бугунги кун муаммоларига ечим бўла оладиган долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлидаги катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.35

ПҚ-2909-сон, 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2995-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиш, инновацион иктисодиётнинг шаклланиши" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон таълим фалсафасининг ривожланишига таъсир кўрсатган жадид ғояларининг жаҳон маданий меросидаги ўрни хорижлик олимлар Дж. Уиллер, Э. Бэкон, Ҳ.Каре д'Энкауз, А. Беннигсен, Э. Олворт, Ҳ.д'Эккос, С.Бэкер асарларида Туркистонда таълими тараққиётига оид маълумотлар, ўлкадаги мусулмон ва рус тузем мактабларига доир таҳлилларни ўз ичига олган². В.В.Бартольд, Н.А.Бобровников, И.И.Умняков, В.Билик асарларида Туркистон халқ таълимини ривожланиш жараёнидаги айрим ҳодисалар ва даврларнинг тарихий талқини, айниқса жадидларнинг янги усул мактаблари, Туркистон ўлкасидаги матбуот ва драматик адабиётлар масалаларига бағишланган. Туркистон вилояти ва Бухоро амирлигида илк "усули жадид" шаклидаги мактабларнинг пайдо бўлиши тарихи кўриб чиқилган³. Туркистон халқ таълимининг шаклланишида жадид мактаблари фаолияти аҳолининг турмуш тарзига ижобий таъсир этган. Шу нуқтаи назардан дунёвий илмларни ўрганиш, тилларни ўрганиш, халқни маърифатли қилиш жадидларнинг бош мақсади бўлган. Жамиятнинг ижтимоий структураси фуқароларнинг Ватан тақдири ва истиқболи учун масъуллик ҳисини уйғотиш ижтимоий ислохотларнинг муҳим омилининг кафолатидир.

XIX аср иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларида Туркистонда шаклланган Европа услубидаги мактаблари, гимназиялар ва семинариялар фаолиятига доир муаммолар педагог олимлари Р.Ш.Ахлиддинов, Р.Х.Джураев, Ж.Ф.Йўлдошев, Э.А.Сейтхалилов, С.Т.Турғунов, Ш.А.Абдуллаева, М.Иноятова, Р.Ғ.Сафарова, Н.М.Эгамбердиева, С.Ахмедов, З.Ахророва томонидан, филолог олимлари Н.Каримов, Б.Қосимов, А.Худойкулов, Н.И.Алимова, Р.Баракаев, Қ.У.Пардаевлар томонидан тадқиқ этилган.

Тарихчилардан Ҳ.Зиёев, С.Холбоев, А.Худойкулов, Т.Сандбаев, Қ.Ражабов, С.Болтабоев, Д.Ражабова, Г.Салижанова, Р.Турсунов, А.Чориев,

² Paris, 1966; Allworth E. Central Asia. A Century of Russian rule. - New York-London: Columbia University Press, 1967; Komatsu Hisao. 20 Yuzilil baslarinda Orta Azyada Turkculuk ve devrim hareketleri. - Ankara, 1993; Andican A. Turkestan Struggle Abroad From Jadidism to Independence. Haarlem: Sota, 2007.

³ В.В.Бартольд. Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 24-30; Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 31-35; Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. - Вып. 16,-Ташкент, 1927.- С.81-95.

А.Худайкулов, У.Долимов, А.Мингноровлар Д.Жамолова, Ф.Темиров⁴ каби олимлар эса Туркистон ўлкаси таълим муассасаларининг тузилмаси, маъмурий консерватив модели, маҳаллий аҳолини ёшлар таълим-тарбиясига эътибори, ўша давр халқ таълим тизимидаги чоризм тузуми сиёсати, таълим жараёнининг ижтимоий табақалаштириш тамойиллари каби масалаларни ўрганганлар. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда ўша даврдаги маҳаллий халқнинг таълим олиш имкониятларининг сунъий равишда қисқартирилиши, маҳаллий аҳолига саводсизлик тамғасини ёпиштирилиши, жаҳид маърифатчилигини таъқибга олينيши, тажрибали, илмли мударрисларнинг таълим жараёнидан четлатилиши, ксенофобиянинг кучайишига олиб келган турли омиллар ўзига хос ёндашувлар орқали очиб берилганлиги эътиборга молик.

Жаҳид маърифатчилигини фалсафий нуқтаи-назардан ўрганган И.Мўминов, С.Шермухамедов, О.Файзуллаев, А.Очилдиев, Г.Махмудова⁵, Ш.Мадаева⁶, И.Худайбердиев, И.Хўжамуродов, Б.Очилова⁷, А.Айматов⁸, О.Ўроқова каби олимларнинг тадқиқотлари Туркистон миллий таълим тизими, маданияти ва фалсафасини ўрганишда муайян қийматга эга.

Мазкур тадқиқотларда саводсизликни олдиниши олиш, миллатни ўз ўзини англаш мақсади ва вазифалари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлсада, бироқ уларнинг тадқиқотларида таълимнинг ижтимоий, маданий, сиёсий жараёнларни ўзгартирувчи куч эканлиги фалсафий жиҳатдан махсус таҳлил этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 02-23-сон “Фалсафа тарихининг замонавий назарий-методологик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафасининг ривожланишига таъсир кўрсатган назарий омилларни ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистонда шаклланган таълим фалсафасининг ижтимоий-тарихий генезисини ўрганиш;

Туркистон “янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилишида гендер муаммоларини аниқлаш;

⁴ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁵ Махмудова Г.Т. Туркистонда жаҳидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири: Дис ... фалс. фан. ном. – Тошкент: И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996. – 136 б; Махмудова Г. Жаҳидизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. – Тошкент: “DAVR PRESS”, 2006; Махмудова Г. Чўлпон ижодининг эстетик асослари // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари / ЎзРФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1998. – Б. 187.190.

⁶ Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Автореф. дис. ... фалс. фан. ном. – Тошкент: ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996. – 27 б.

⁷ Очилова Б.М. Аждодлар меросига иқтисодчилик ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти. Автореф. дис. ... фалс. фан. докт. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 44 б.

⁸ Айматов А.Қ. Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг гоёвий-бадний асослари: Дис ... фалс. фан. ном. – Тошкент: ЎзМУ, 2010. – 13 б.

Туркистон таълим тизимида диний ва дунёвий илмларнинг нисбатини очиб бериш;

Туркистонда “янги усул” мактабларида саводхонликни юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон таълим фалсафасининг ҳозирги замон таълим тизимига мувофиқлик даражасини ўрганиш;

XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистон таълим фалсафасини бугунги кунда ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқот объекти XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафасининг ривожланиш жараёни белгиланиб олинди.

Тадқиқот предмети XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги таълим фалсафасининг моҳияти, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тарихийлик, тизимлик, мантиқийлик, умумлаштириш, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон жадидларининг таълим дастури, таълимни идрок этиш орқали ўрганиш зарурияти танқидий таҳлил методи орқали исботланган;

Туркистон таълим тизимида намоён бўлган гендер тенглиги, хусусан, хотин-қизларни илмга жалб қилиш ва уларни жамиятда ўз ўрнини белгилаш борасидаги ислохотларининг зарурати асосланган;

Туркистон таълим тизимида диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлиги, жадидларнинг динга муносабати, мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлар бериш асосида ислоҳ қилиш тамойиллари далилланган;

Туркистон таълим концепциясини, тарихий илмий меросини ўрганиш асосида ҳозирги кунда ёшларни замонавий илмларни эгаллашга жалб қилиш, таълимни мақсадли йуналтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети талаба-ёшлари учун яратилган “Таълим фалсафаси” дарслигини такомиллаштириш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

Туркистонда таълим тизими принципларининг ҳозирги замон таълим тизимига мувофиқлигини жадидларнинг янги миллий кадрларни тайёрлаб етиштириш ва тарбиялашга доир қарашлари орқали очиб берилган;

Миллий мустақиллик ғоялари асосида таълим фалсафасида миллий – маънавий тафаккур тараққиёти ҳамда миллий ўзликни англаш муаммоси, таълим фалсафасини бугунги кундаги ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ёритишга доир хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган

натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогик фаолиятда фалсафа, диншунослик, исломшунослик, психология ва социология мутахассисликлари бўйича ўқув дастурлари доирасида таълим тизимини такомиллаштиришга оид мавзуларини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарурати мавжуд.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотда асосланган Туркистон таълим фалсафасига оид хулосалар, конкрет амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Республика таълим маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида ёшлар билан мулоқотда ва конференция, семинар ва давра суҳбатлари ҳамда таълим тизимининг барча йўналишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафасини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон жадидларининг таълим дастури, тамойиллари, мақсади ва вазифаларига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг ёшларни жадидлар маърифий меросининг илмий аҳамияти билан яқиндан таништиришга бағишланган илмий-амалий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2019 йил 4 июлдаги 04-13/3072-сон маълумотнома). Натижада тадбир иштирокчиларининг Туркистон жадидларининг таълим дастури, тамойиллари, мақсади ва вазифалари юзасидан илмий-назарий билимларини оширишга эришилган;

жадидларнинг гендер тенглиги бўйича қарашлари, Ўзбекистонда хотин-қизларни илмга жалб қилиш ва уларни жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (570RAS/1002-Enhancing Girls' and Women's Right to Quality Education through Gender Sensitive Policy Making, Teacher Development and Pedagogy in South, Southeast, and Central Asia) "Гендер таълим" мавзусидаги халқаро амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги №89-03-4824-сон маълумотномаси). Натижада жадидларнинг гендер тенглиги бўйича қарашлари Ўзбекистонда хотин-қизларни илмга жалб қилишга хизмат қилган;

Туркистон жадидларнинг дин ва дунёвийлик уйғунлиги концепциясидан Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлашдаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан ишлаб чиқилган "Жаҳон фалсафаси қомуси"ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2019 йил 4 июлдаги №14-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда ёшлар ўртасида диний бағрикенгликни шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Туркистон жадидларнинг таълим концепциялари, тарихий илмий меросини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялардан синовдан ўтказиш” мавзудаги амалий лойиҳада таълим тизимида глобал миқёсда таълим бериш йўналишидаги илмий-методик тавсиялар, услубий кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 27 декабрдаги 01/11-01/01-2696-сон маълумотномаси). Натижалар халқ таълими тизими ўқувчиларини жадидлар илмий мероси билан яқиндан таништиришга ҳамда давлат идоралари ва жамоатчилик институтларини таълим тизими бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (6 та республика ва 3 та хорижий журналлар, 1 та Scopus рўйхатидаги журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, тўхкизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги асосланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, уларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ва ижтимоий ҳаётни тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланган биринчи бобида Туркистонда шаклланган таълим фалсафасининг ижтимоий-тарихий генезиси ҳамда уни туркумлаштириш тамойиллари, жадидлар таълим дастурининг мақсади ва вазифалари, тамойиллари ҳамда Туркистон “янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммоларнинг концептуал таҳлилига эътибор қаратилган.

Таълим фалсафаси фан сифатида XX аср бошларида юзага келган. Одатда, таълим фалсафаси деганда таълим мавзусига эга бўлган фалсафий билимлар соҳаси тушунилади. Таълим фалсафасининг асосчиси Англия-Америка

файласуфи Жон Дьюи ҳисобланади. Ҳозирги кунда инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда таълим фалсафаси университетларда алоҳида кафедралар томонидан тақдим этиладиган фан мақомига эга бўлган соҳага айланиб улгурган.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда шаклланган таълим фалсафаси жадид маърифатпарварларининг миллий педагогик фаолият ва таълим асослари, унинг мақсадлари ва идеаллари, педагогик билимлар методологияси, янги рус тузем мактаблари тизимини яратиш усулларини таҳлил қилувчи тадқиқот соҳаси сифатида талкин қилинади. Шу боисдан ҳам таълим фалсафаси бу даврдаги ижтимоий-институционал шаклга эга бўлган соҳа сифатида жадидларнинг таълим дастурининг мақсади ва вазифалари, тамойилларини ўзида акс эттирган, десак хато қилмаган бўламиз. Маълумки, Европада таълим фалсафаси бўйича махсус тадқиқотларга қўл урилди. Бирок, ундан анча олдин ҳам таълим фалсафаси бўйича Платон, Аристотель, Ян Амос Коменский, Локк, Гербарт каби файласуф олимлар томонидан алоҳида фалсафий тизим яратилган эди.

Таълим фалсафаси инсоннинг ижодий қобилиятлари ривожланишига, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлардаги иштироки чуқурлашувига, тегишли равишда инсоният ривожига янада самаралироқ ҳисса қўшишига олиб келадиган фалсафий билимларни ўзида акс эттирадиган фалсафанинг амалий соҳаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Туркистонда шаклланган таълим фалсафасининг ижтимоий-тарихий генезиси айнан инсоният цивилизацияси тараккиётида муҳим ўринни эгаллаган мусулмон туркий халқлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар яшаётган ҳудудда иқтисодий барқарорликка эришишни мақсад қилиб олган эди. Лекин, шу эҳтиёж ва манфаатларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, муқаррар равишда, таълим тизимини ривожлантириш муаммосини вужудга келтирди. Жадидчилик ҳаракати асосан таълим орқали илмга чанқоқ ёшларга иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб олган эди.

Чор Россияси мустамлакаси даврида халқ таълимининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида Туркистон ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий ҳаётида жиддий инкирозлар юз берди. Шу боисдан ҳам бир гуруҳ жамиятшунос олимлар XX аср бошида Туркистонда ялпи саводсизлик ҳукм сурган деган ғояни илгари суришади. Тарихчи олима Н.И. Алимова эса бу ҳолатларни тарихни сохталаштиришга уриниш деб атаб, бу даврда Туркистон ўлкасидаги мактаблар сони чор Россияси вилоятлариникига нисбатан кўп бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади⁹. Шунинг учун ҳам бу ҳудуддаги мактаблар сони билан у ерда бериладиган таълимнинг сифатини фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш ўринли бўлади. Мактаблар сони билан аҳоли саводхонлиги ўртасидаги уйғунликнинг мутлақо йўқотилишининг асосий

⁹ Алимова Н.И. "Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1867-1917)", т.ф.и. дис. // Тошкент: 2004. 11-бет.

сабабларидан бири, Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфман томонидан маҳаллий халқ таълимига нисбатан қўлланилган “эътиборсиз қолдириш” сиёсати эди. Шу боисдан ҳам ўша даврда Туркистон худудида яшовчи аҳолининг учдан икки қисмини даштликларда яшовчи кўчманчи чўпон ва йилқичи оилалари ташкил этганлигини ҳисобга олсак, уларнинг таълими назорат қилинмаганлиги ҳам ўлка халқи саводхонлиги даражасига кескин салбий таъсир кўрсатганлигига амин бўламиз. Чор амалдорлари мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида, авваламбор, таълим жараёнидан четда қолдирилган аҳолини зимдан ўз томонига оғдириш сиёсатини мақсад қилиб олган эди. Тарихий манбалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий аҳолига бундай таълим-тарбия беришдан кўзланган асосий мақсад, уларни руслаштириш бўлган.

Жадидлар таълим дастурининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, улар ўз ғоялари мезонини ижтимоий адолат, миллий фаровонлик, миллий мустақиллик асосида шакллантирганлар. Шу билан бирга улар маданий-ахлоқий, ва маърифатпарварлик ишларини янгилашга, европача илмий-техника тафаккурини тарғиб қилишга, диний мутаассиблик, ақидапарастлик ва нодонликка барҳам беришга ҳаракат қилганлар. “Ислохни нимадан бошларга” сарлавҳали мақола муаллифи: “Мен оврупа халқининг бу даражада тараққий ва толеларининг биринчи сабабини ва бош сабабини кўп ахтардим. Лекин ибтидоий тарбияларининг мукамаллигидан бошқа сабаб топа олмадим. Ва, бинобарин ислохотимизни мактаб ибтидоларимиздан бошламоқ даркор деб ҳисоблайман”¹⁰, деб ёзади ҳамда Туркистондаги мактаб-мадрасаларда амал қилинаётган ўқитиш тартибини замон талабларига жавоб бера олмаслигини, турмушдан орқада қолганлигини шундай тушунтиради: “Мадраса талабаларига тарихи миллият ва ҳисоб ўқитмоқ одати бизда ўлда-жўлда ёки асло йўқ. Жўгрофия ва риёзатга сайр қилувчи дарсларни албатта мударрисларимиз ўқимайдилар, шогирдларига ўқитмайдилар. Демак, бизнинг мадраса шогирдларимиз ниҳоятда паст қадам бўлиб қолмоқдалар”¹¹. Жадидчилик ҳаракати фақат маорифни ислоҳ қилишдангина иборат бўлиб қолмаган, балки у ўзида жамият ва ижтимоий турмушнинг ҳамма жабҳаларини камраб олган. Аниқроқ қилиб айтсак, бу ҳаракат иқтисодиёт, маданият, сиёсат, маърифат, мафкура, адабиёт ва санъат, матбуот, китобат, миллий ғоя ҳамда тараққиёт каби бир қатор ўта муҳим соҳа ва йўналишлардаги муаммоларни ҳал этишга ўз эътиборини қаратган. Мана шунинг учун ҳам жадидчилик ҳаракати ўз даврида жуда ҳам таъсирчан ва тарихда ўхшаши йўқ қудратли маънавий-маданий кучга эга бўлган эди.

Умуман олганда, биринчидан, собиқ иттифоқ даврида жадид маърифатпарварлари томонидан ишлаб чиқилган таълим фалсафасини мавҳумлаштириш натижасида, уни ўрганиш борасидаги назариялар, ғоялар декларатив чақириқлардан, утопик қарашлардан иборат бўлиб қолди.

¹⁰ Мухторов Ш. Ислохни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.

¹¹ Мухторов Ш. Ислохни нимадан бошларга // Садои Фаргона. 1914 йил 3 апрель.

Тўғрироғи, унинг татбиқ қилинишидан жамиятнинг сиёсий тизими манфаатдор эмас эди.

Иккинчидан, жаҳид маърифатпарварлари миллий таълим тизими ўз инқирозли ҳолатидан чиқиш, таълимнинг мазмунини, уни ташкил этиш шакллари ва усулларини ўзгартириш, таълим жараёнининг бутунлай янгича технологик таъминотини яратиш йўли билангина давр талабларига жавоб беришлари ва ривожланишнинг ҳақиқий ресурсига айланиши мумкинлигини алоҳида қайд этганлар. Бироқ баъзи жаҳидшунос олимлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий кўрсаткичлари, “репрезентативлиги” муайян манфаатлар асосида танлаб олинган.

Учинчидан, бир қанча тарихчи, файласуф олимлар томонидан миллий таълим тизимини ривожлантириш даражаларини, йўналишларини таҳлил қилишдаги хусусий факториал усулларнинг мутлақлаштирилиши мажмуавий-тизимли ёндашишга путур етказган.

Тўртинчидан, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда шаклланган таълим тизимини ижтимоий-сиёсий тараққиёт мажмуасидаги ўрнини, аҳамиятини аниқлаш, унинг ички ҳаракатлантирувчи механизмларини тадқиқ қилиш, истиқболларини кўрсатиш фалсафий жиҳатдан долзарб муаммодир. Шу боисдан ҳам жаҳид маърифатпарварларини миллий таълим тизимини ривожлантириш борасидаги қарашларини фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, уларнинг методологик асосини яратиш, “сифат” хусусиятларини таҳлил қилиш, фундаментал назарий муаммо сифатида кун тартибда турибди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда янги ижтимоий-сиёсий ҳаракат натижасида жаҳидчилик қисқа вақт ичида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Айниқса, маънавиятда, ёш авлод тарбиясида, дунёқарашида миллийлик билан бирга умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш ва уни конкрет кўринишда намоён этиш, миллатни, янги авлодни, янги тафаккур тарзини шакллантириш имкониятини бера олар эди. Шунинг учун бу даврни ижтимоий маънавий-маърифий ҳаракати сифатида жаҳидчилик куйидагиларни қамраб олди: биринчидан, жамиятни барча қатламларида уйғониш мафқурасига айланди; иккинчидан, мустақиллик учун курашувчи маърифатпарварларни бирлаштирди; учинчидан, маориф, маданият ва матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга асослантирди; тўртинчидан, миллий онгни шакллантиришда унга таъсир этувчи янги восита шакллари яратилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон халқ таълимини ривожлантириш концепциясини яратишдаги муаммоларнинг тарихий-фалсафий тадқиқи» деб номланган бўлиб, унда Туркистон таълим тизимида диний ва дунёвий илмларнинг нисбати, Туркистонда “янги усул” мактабларида саводхонликни юксалтириш тамойиллари, Туркистон таълим тизимида таълим-тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш мезонлари ўрганилган.

Туркистон таълим тизимида диний ва дунёвий илмлар ривожини миллий таълим тизимини мустахкамлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилган десак янглишмаган бўламиз. Жаҳид маърифатпарварларнинг ўлмас таълимоти нафақат дунёвий тараққиёт йўлидан бориш, балки диний билимларни янги илмий мезонлар асосида ривожлантиришга муҳим ғоявий-назарий асос бўлиб хизмат қилди. Маърифатпарварларнинг диний-фалсафий қарашлари асосида миллий маърифат тизимидаги ўзгаришлар ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, адолатли, эркин, фаровон ҳаётнинг таъминлаб берувчи куч эканлиги ва миллий менталитетимизда устувор ўринни эгаллаган эзгуликнинг қабоҳат устидан ғалаба қозонишини таъминлаб бера оладиган ягона илмий эканлигини ҳар томонлама асослаш ётади.

Жаҳид маърифатпарварлари томонидан диний кадрлар ва категориялар дунёвий мазмунда қайта ишлаб чиқилди. Диний кадрлар дунёвий мазмунда талқин қилиниб, нафақат ислом эътиқодига мансуб, балки шу билан бирга дини, ирки, минтақасидан қатъий назар инсониятнинг муштарак манфаатларининг ифодаси бўлиб шаклланган таълим фалсафаси тушунчаларига айлантирилди. Жаҳид маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган миллий таълим тизимини ривожлантириш ғояси орқали жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилган диний ва дунёвий илмларнинг нисбати ҳақидаги қарашлар кейинги даврлар ижтимоий-фалсафий қарашларининг бош йўналиши тарзида бутун Туркистон ҳудудида кенг қулоч ёзганининг гувоҳимиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳидчиликнинг пайдо бўлишига аввало исломдаги диний ва дунёвий билимлар уйғунлиги тамойилининг, тараққиётпарварлик ва илм-фан, шарият амалларининг ўрни катта бўлди.

Жаҳидларнинг дадил янгилик яратиши, дунёвийликни тарғиб этиши учун Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу икки ҳадиси шарифлари маънавий асос ва куч-қувват бўлди: “Охиратини деб дунёсини тарк қилган ҳам, дунёсини деб охиратини тарк қилган ҳам сизларнинг яхшингиз эмас...”, “Динда ўртача йўл тутинглар, чунки ушбу дин амалларини ким оғирлаштириб юборса уни амал енгиб қўяди”. Бундан маълум бўладики, жаҳидчилик ислом оламидаги тараққиётпарварлик, илм-фанга рағбат ва дунёвийликнинг янги даврдаги кўриниши сифатида пайдо бўлди. Жаҳидлар ўша даврда мавжуд бўлган исломий билимларни ҳар хил мутаассиблик ва бидъатлардан асраган ҳолда ривожлантиришга уриндилар. Бизнинг назаримизда, жаҳидларнинг жоҳиллик ва диний мутаассибликни танқид қилганликлари, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, виждон эркинлиги тўғрисидаги мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг фикрича, яратилган барча қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу ҳудудда яшовчи ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини ақс эттириши ва ҳимоя қилиши зарур. Уларнинг дин ва миллатнинг дахлсизлигини таъминлаш юксак маънавият нишонаси, зулм ўтказиш, таҳдид қилиш

жоҳилликнинг намоён бўлиши эканлиги тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас.

Жадидлар фаолиятида «диний ва дунёвий илмлар уйғунлигини таъминлаш» юксак, мукаммал кўринишда намоён бўлиб, бу гоё миллат дунёқарашини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этган. Тўғри, ўз даврида Хоразмий илмларни тасниф қилар эканлар, илми диний ва дунёвийга ажратмаганлар. Шу фикр эътиборга моликки, жадидлар ҳам илм-фан ривожига дегаңда ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни назарда тутганлар. Дунёвий ёки диний соҳадаги турғунликнинг оқибати муқаррар инқироз эканини исботлашга уринганлар. Сабаби, жадидлар даврида Туркистон халқлари бошқа миллатлардан нафақат тараққиётда орқада қолган эдилар, балки диннинг асл моҳияти ҳақида фикр юритишдан йироқлашиб, бидъат – хурофотга ботган эдилар. Бу ҳақда Истамбулдаги туркистонлик талабалар минг таассуфда шундай деб ёзган эдилар: «Бизнинг туркистонликлар шу қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африқо ваҳшийларида биздин илгаридурлар»¹². Бунинг айбдори халқнинг «муршидлари» бўлган диний илмларнинг моҳиятини англаб етмаган руҳонийлар синфи эди. Айни пайтда уларнинг хатто ўзларининг саводсизлигидан беҳабарликлари миллат дунёқарашини пасайишига олиб келди. Улар хатто янги маърифатпарварлик гоёларини халқ орасида кенг ёйилишига ҳам тўсқинлик қилганлар. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний «Биз ва Сиз» асарида юрти фожиасини жамиятнинг иллатлар ботқоғига ботганлигида кўради. Ўзини ўлдиришга қарор қилган асар қахрамони Камолнинг сўзлари жамиятга айбнома сифатида қуйидагича жаранглайди: «Сиз! ... Сиз, мени бу ҳолга солган, сиз, сиз – жаҳолат қурбонлари, сиз! Сиз, эски турмуш асирлари. Сиз»¹³.

Жадидлар асарларида дунёвийлик, замонавий илмларни эгаллаш динга хилоф эмас, билакс диннинг талаби эканлиги Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлардан парчалар келтириб исботлаб беришга ҳаракат қилганлар. Шунинг билан бир қаторда улар Туркистон халқининг колоқлик сабабларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Оврўпача дунёвий ишларни эгалламаслик колоқликнинг бош сабабчиси, деб тушунганлар. Уларнинг фикрича, ўша даврда хатто кўзга кўринган дин уламоларининг ҳам дунё воқеаларидан беҳабарлиги, ислом билан дунёвий тараққиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида етарлича тасаввурга эга эмаслиги миллатни жаҳолат ботқоғига етаклаган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунёвий илмлар инсониятнинг барча катламлари, миллат ва элатлари томонидан яратилган ва асосан мантиқ ва тажриба синовидан ўтган билимлар бўлиб, улар бирон-бир гуруҳ ёки дин (миллат) манфаатлари билан чегараланмаган ва ундан барча халқлар тенг фойдаланиши мумкин бўлган. Шу боисдан ҳам Исоқхон Ибрат ўзининг «Мизон аз-замон» асарида илоҳиёт нуқтаи назаридан Европа цивилизациясидан

¹² Туркистонликларга хитоб // «Ойна». 1914. 27-сон.

¹³ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жид. – Тошкент: 1998. 185-186 бетлар.

фойдаланиш муҳимлигини исботлашга ҳаракат қилди. У Куръон ва ҳадислардаги қонун ва қоидаларга биноан мусулмон бўлмаганларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш зарурлигини эътироф этди. Инсоннинг бир ота – Одамдан, ва ягона она – Момо ҳаводан келиб чиққанлиги тўғрисидаги ривоятга асосланиб, башариятнинг негизи ягоналигини таъкидлади ва бу диний бағрикенгликнинг андозаси бўлиши лозимлигини эътироф этди.

Янги ўқитиш услуби афзалликлари ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, эски мактабларда толиблар китобларни қуруқ ёд олиш орқали таълим олишиб, мазкур китоблар қай мақсадларда ёзилганлигидан амалда беҳабар бўлганлар. Эски мактаблардаги ўқиш ва ўқитиш услуби замон талабларига жавоб бермас, шогирдлар 4-5 йил ўқиб, ҳатто араб тилини ҳам яхши ўзлаштира олмаганлар. Ваҳоланки, таълим бераётган мударрисларнинг ҳам билим савияси ва дунёқараши жуда паст даражада бўлган. Фикримизнинг далили сифатида А.Хўжаевнинг куйидаги фикрини келтиришимиз мумкин: “Мадраса деб юритилган адолатхоналаримизда тарбия кўруб мулла бўлгон афандиларимизда фикр ва идрок шул даражада пастдирки, бу афандилар ила миллий ва ижтимоий мавзулардан сўз гапирмак ҳозирги вақтда имкон хориждандир”¹⁴. Давр эса шиддат билан ривожланиб, асрий қолоқликдан тезроқ чиқиб, тараққиёт сари одимлаш лозимлигини тақозо этарди. Усули жаҳид мактаблари замон талабларига жавоб бериб, унда диний ва дунёвий билимларни қўшиб ўқитилиши, олдинга қўйилган юксак мақсадларни амалга оширишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Таълим институти ривожининг энг кенг кўрсаткичи ўқитиш, ўқиш ва идрок қилиш усуллариининг ўзгариши ҳисобланади. Биринчидан, мактаб таълими ва олий таълим даражаси ўртасида, иккинчидан, олий таълим даражаси ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими ўртасидаги фарқлар мавжуд бўлиб, илмий билимларни жорий этишнинг янги шакллари талаб қилади. Шу боисдан ҳам жаҳидлар орасида биринчи бўлиб университет ташкил этиш ғояси илк бор 1892 йилда Исмоилбек Гаспирали томонидан илгари сурилди ва улар олий таълимнинг асоси-университет ташкил этиш учун Тошкент шаҳар Думасидан ҳам фойдаландилар. Мунавварқори, Фитрат, М.Бехбудий, У.Асадуллахўжаев, И.Ибрат ва бошқа жаҳидлар миллий дунёвий олий таълим ғоясини ўз асар ва мақолаларида кенг тарғибот-ташвиқот қилдилар. Шунинг билан бир қаторда олий таълимга замин яратиш учун, жаҳид мактабларида дунёвий илмлар ўқитилди, хорижга ёшлар ўқишга юборилди. Оқибатда эса 1918 йил Ўрта Осиё университетига асос солинди.

Таълим ва тарбия муаммоси жаҳид маърифатпарварлари қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу боисдан XX аср бошида Туркистонда ижтимоий-сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган жаҳидчилик ҳаракатининг фидойилари – Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Тавалло, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар халқни қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли –

¹⁴ Муллаларимизда дарҳан фикрия // Саҳон Туркистон. 1914. 55-сон, 2-бет.

маърифатда, деб ўз асарларида янги усул мактабларини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда ижтимоийлашуви муаммоларига асосий эътиборни қаратдилар. Таълим – тарбия ҳақидаги фалсафий фикрларини мушоҳада қилар экан, А.Авлоний тарбияни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда соғлом ақл” деган ҳикматни бежиз эмаслигини яхши билади. Ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш учун бадантарбия ва маънавий тарбияни уйғун ҳолда олиб боришга даъват этади. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим, долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ муҳим ва долзарбдир. Ёшлар онгига миллий ғоямизни сингдириш, уларни меҳнатсевар, ҳалол ва пок руҳда тарбияловчи инсонлар бизнинг устоз – муаллимларимиздир. Зиёлиларимиз юрт равнақи, Ватан тақдирига масъулият билан ёндашади. Шунинг учун ҳам уларни миллат раҳнамолари деб аташимиз мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «Туркистон таълим фалсафасидаги тарбия принципларининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланиб, унда XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда таълим фалсафаси принципларининг ҳозирги замон таълим тизимига мувофиқлиги, таълим фалсафасида миллий – маънавий тафаккур тараққиёти, миллий ўзликни англаш муаммосининг ёритилиши ҳамда XIX аср охири - XX аср бошларидаги Туркистон таълим фалсафасини бугунги кундаги ёшлар тарбиясидаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Жадид намояндалари мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятга қарамасдан ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш масалалари устида тинимсиз бош қотириб келганлар ва бу соҳада муайян амалий тақлиф-тавсияларни ишлаб чиққанлар. Шу билан бирга, таълим фалсафаси концепцияси асосида ёш авлод таълим-тарбияси соҳасида тарихан шаклланган муайян билимлар, ютуқлар ва кадриятлар жамият тараққиёти талабларига мос равишда мазмунан янада қадриятлар жамият тараққиёти талабларига мос равишда мазмунан янада бойитилиши ва ривожлантирилиши лозимлигини ҳар томонлама асослашга уринганлар. Таълим фалсафасининг ривожланиши инсоннинг маърифий дунёқараши, онг ва тафаккурини юксалтиришда муҳим ўринни эгаллайди. Таълим тизимидаги янгиланишлар жамиятнинг ривожига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам таълим тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам жадид алломалари жамият ижтимоий-маънавий ҳаётининг ўзига хос тараққиёт босқичига эришувида таълим алоҳида аҳамият касб этади.

Инсоният қадимдан ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш масалалари устида тинимсиз бош қотириб келган ва бу соҳада муайян амалий тажрибани орттирган. Шу билан бирга, ёш авлод таълим-тарбияси соҳасида тарихан шаклланган муайян билимлар, ютуқлар ва кадриятлар жамият тараққиёти талабларига мос равишда мазмунан янада бойитилиши ва ривожлантирилиши лозим, чунки таълим тизими жамият ва давлат тузилмаларида, жамоат ташкилотларида тегишли фаолиятни бевосита амалга

оширувчи кадрлар қатламини етиштириб берувчи тизим ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакат таълим тизимининг ҳолати тубдан ўзгармоқда. Ўз даврида жаҳидчиликнинг етакчи вакили Мунаввар қори болаларга дунёвий илм бериш билан бирга халққа дунёвий илм олиш зарурлигини кенг тарғиб қилди. “Бешиқдан то қабргача илм изла” дейилади. Илмли бўлишнинг аҳамиятини яхши тушунган Мунаввар қори билимга тез, осон ва енгил олиб борадиган дастурларни тузади. У рус тилини ўрганиш муҳим ва зарур эканлигини англаган ҳолда, “руслар билан доимий мулоқотда бўлиш, айниқса, савдо, маъмурий, темир йўл каби турли жабҳаларда фаолият олиб бориш учун маҳаллий аҳоли ҳар хил билимларни эгаллашда қурол бўлган рус тилини билиши кераклигига иқроф бўляпман”¹⁵- деб, болаларга рус тилини ўқитиш учун мустамлака ҳукуматининг Туркистондаги намояндаларидан руҳсат сўрайди. Ушбу илтимос-таклиф мустамлакачи маъмурлар қаршилигига учраса-да, Мунаввар қори бу қаршилиқни анча қийинчилик билан енгиб, ўз жаҳид мактабида рус тилини ўқитишни йўлга қўяди.

Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатининг тарихий илдизларини, шубҳасиз, жаҳидлар шакллантирган деб айтишга тўла ҳақлимиз. Уларнинг орасида, айниқса, Мунаввар қорининг миллатимиз истиқболи учун қилган хизматлари беҳад катта бўлганлиги бизга истиқлолдан сўнг маълум бўлди. Миллатимиз фидойиси Мунаввар қори Туркистоннинг Европа ва Америка халқларидан орқада қолаётганлигини кўп бора таъкидлайди. “Ҳар миллат соҳиблари ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида ҳур ва мухтор бўлган бу замонда... кўрқурманки, биз бечоралар шул гафлат ва шул ихтилоф ва шул нафсоният соҳасида ҳамма мустафид бўлгон хурриятнинг неъматларидан ҳам маҳрум қолмасак деб”¹⁶,- унинг халқнинг келажагидан куйиниб, “хуррият олинур, берилмас” дея миллатга мурожаат қилгани маълум. У ёшлардаги дангасалик ва кўрқокликни миллатнинг душмани сифатида қоралайди.

Янги авлод тарбияси XX аср бошларида фавқулодда долзарб масала бўлди ва жаҳидчилар уни теран англадилар. Улар инсонни кенг камровли мураккаб биоижтимоий тузилма сифатида олиб қараб, унга борлиқнинг барча кўринишларига хос бўлган ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш хос эканлиги, икки қарама-қарши томон - яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро қураши инсондаги олийжаноб фазилатлар ва иллатлар кўринишидаги қурашда намоён бўлишини таъкидлаб ўтдилар. Демак, инсондаги барча хислатларни шакллантирувчи қалит тарбия бўлиб, ё хаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи эканлигини қайд этдилар. Шунинг учун ҳам жаҳидчилар таълимотида инсон тарбияси, унинг камолоти, қомиллиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ижодида ўзига хос ўрин касб этди. Жаҳид зиёлиларидан бўлган У.Асадуллахўжаев илмнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб шундай изоҳлайди:

¹⁵ Абдурашидхонов М. Таълиқан асарлар/ Абдурашидхонов М. - Тошкент: “Маънавият”. 2003, 19-бет

¹⁶ Абдурашидхонов М. Таълиқан асарлар/ Абдурашидхонов М. - Тошкент: “Маънавият”. 2003, 141-142 бетлар

“Замонавий давр – ривожланиш ва маданият даври. Агарда биз, Туркистондаги халқлар бу илмдан энг кам фойдаланмоқда десак хато бўлмайди. Чунки бошқа миллат вакиллари билим ёрдамида кундан-кун юқорига кўтарилмоқда, осмонга учмоқда. Биз эса, илмсизлик ва онгсизлик соясида ерга кириб бормоқдамиз”¹⁷.

Жадидлар ижодида, инсон камолотида тарбиянинг муҳим аҳамияти билан бирга, унинг натижаси ёки хосиласи бўлган баркамол инсон тушунчаси ҳам ўзига хос талкинга эга. Инсонни безайдиган сифатлар кўп. Ёшлиқдан илм-маърифатга, хунар ва санъатга меҳр қўйиш, инсонда ижобий сифатларини шакллантирса, ялқовлик ва дангасалик эса, иллатларни келтириб чиқаради. Инсон фақат меҳнат орқалигина комилликка эришмай, меҳнатнинг самараларини қадрлашни ҳам билмоғи даркор. Кимки бир парча нонни меҳнат билан топса, унинг қадрига етади. Инсоннинг комиллигига, унинг маънавий-ахлоқий етуқлигига жадидлар катта эътибор берадилар. Шунинг учун инсондаги юксак ахлоқий фазилатлар: ҳақ сўзлик ва тўғрилиқ, ҳаё, ифбат, муҳаббат ва садоқат каби тушунчаларнинг англанишини муҳим санаганлар. Ҳар бир хулқдаги меъёрни ҳис қилиш, ўз феъл-атвори, ҳатти- ҳаракатининг инсоният қонунларига монанд бўлишига эришишнинг ўзи юксак ахлоқ ва фозиллик белгисидир.

Кишиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, эзгулик истаги билан яшаш чинакам олижанобликдир. Кишилар умр бўйи бир-бирлари билан алоқада бўладилар, ўзаро ёрдамга, ҳамкорликка эҳтиёж сезадилар. Бу эса, кишилар ўртасидаги хайрихоҳлик ва олижанобликни шакллантириб, улар ўртасидаги дўстлик ва садоқат туйғуларини шакллантиради. Авлоний “Туркий гулистон”нинг “Ёмон хулқлар” деб номланган бўлимида инсон комиллигига тўсқинлик қилувчи 18 та қусур ҳақида фикр бериб, уларнинг аксарияти жоҳилликнинг натижаси эканлигини таъкидлайди. Булар ғазаб, шаҳват, бузуклик-сафоқат, ҳамоқат, ялқовлик-атолат, хасислик-хасосат, танпарварлик-раҳоват, такаббурлик-аноният, чакимчилик-намимат, гийбат, қўрқоклик-жибонат, хасад, ёлғончилик-кизб, нифок, тамъа каби иллатлардир. Шунингдек, жадидчилар инсон комиллиги унда фақат шахсий фазилатларни шакллантириш билангина эмас, балки жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларга ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар.

Жадидлар мамлакатдаги ҳуқуқсизлик ва мустамлакачилик асоратлари инсонни эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиб, унда тутқунлик ва турғунликни шакллантиради деб қарайдилар. Бу эса, бутун бир жамият кишиларининг ночор ва ғариб турмушини, яъни инсоннинг ўзлигига бўлган ишонч руҳини сўндирилишига олиб келади. Жадидлар инсон комиллиги масаласи индивидуал масала бўлмай, бу миллат тақдири, унинг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқлигини англаб етдилар.

Жадидлар ўзларининг таълим фалсафаси концепцияси орқали Европанинг замонавий таълим технологиялари моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни миллий таълим тизимига самарали қўллаш олишлари, шунингдек, таълим

¹⁷ Убайдулла. Мақсад ва маъна // Садоий Туркистон. -1914. 4 апрел.

жараёнини ташкил этишга нисбатан миллий ижодий ёндашувларини ифода этганлар. Шунга кўра: жаид таълим фалсафаси илмий-назарий ва амалий жиҳатдан педагогик муаммоларнинг тўғри ечимини топишга бўлган интилиш, миллий таълим тушунчаларини замон талабларига боғлаб тушунтиришга асосланган маърифий фаолият сифатида намоён бўлди. Табиий, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган энг муҳим омилдир. Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Кучли билимга эга бўлган инсонлар ўз давлатларини ҳам кучли қилишга қодир бўладилар. Биз ҳеч қачон эркини қўлдан бой бермайдиган авлодни тарбиялашимиз зарур.

Шахсий фикрга эга бўлган ёшлар ўзлари танлаган соҳаларни янги фикрлар билан бойитади. Шу орқали жамиятнинг турли жабҳаларида илғор фикрли мутахассислар етишиб чиқиб, мамлакат ривожига ҳисса қўша оладилар. Шунини қайд этиш лозимки, билимга ёки истаган касбга эришиш учун, аввало, уни ўрганишга қизиқиш керак. Қизиқиш ишончни шакллантиради, ишонч эса билимга етаклайди. Ўзига ишонч муваффақият гаровидир. Ўзини қобилиятсиз ва камситилган деб ҳис этиш хотирани заифлаштиради ва бошқа сурункали асаб хасталикларига олиб келади. Таълимдаги ислоҳот билим манбаи бўлиб қолмасдан, балки маданиятнинг манбаи ҳамдир. Умуминсоний ва миллий қадриятлар, халқимизнинг маданий мероси, миллий гурур, урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар Ватанга бўлган меҳр, ўзликни англаш туйғуларини шакллантиради. Бу омиллар ёшларда ҳозирги ниҳоятда мураккаб ижтимоий шароитда ўз йўлини тўғри танлаб олиш имкониятларини кенгайтиради.

Бугун республикамиз таълим тизимида хорижий тилларни билиш, ўрганиш, ўргатиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бевосита давлатнинг, миллатнинг, халқнинг келажаги учун қилинаётган саъй-ҳаракатдир. Чунки жаҳон интеллектуал салоҳиятига муносиб ҳисса қўшган Бухорий, Самарқандий, Термизий, Хоразмий, Фарғонийлар ўз она тилларидан ташқари камида учта тилни (араб, форс) билганлар ҳамда ўз даврларида тараққий қилган давлатларнинг олиму-уламоларига сабоқ берган қомусий олимлар бўлиб, фаннинг турли соҳаларига тамал тоши қўйишган. Шу сабабли ҳам ҳозирги давр ёшлари аجدодлар анъаналарига содиқ қолган ҳолда бир нечта тилни билишлари лозим. Чунки, “тил билган – эл билади”. Жаҳон тилларини билиш орқали дунё мамлакатлари аҳолиси билан фан-таълим соҳаси, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик, шерикчилик қилиш мумкин. Бунинг учун республикамизнинг мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларида барча имкониятлар яратилган. Чунки мамлакатимиз келажаги ёшлар қўлидадир.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Марказий Осиёда жади́дчиликнинг шаклланишига XIX аср охири – XX аср бошларида минтақада юз берган тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар сабаб бўлган. Жади́длар ҳаракати минтақанинг миллий прогрессив зиёлиларининг, Россия ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Шарқ мамлакатларидаги мусулмон ислохотчиларининг ғоялари асосида шаклланди. XIX аср охири - XX аср бошида жади́длар томонидан олиб борилган халқ таълими соҳасидаги ислохотлар, адабий ва журналистик асарларнинг нашр этилиши, жамоат кутубхоналари, театр ижодиёти ва миллий матбуотнинг ривожланиши Туркистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди.

2. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон халқ таълимининг Европа услубида шаклланишида жади́д мактаблари, гимназиялар ва семинариялар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш уларни халқни ўқимишли, маърифатли, Ватан тақдири ва истиқболи учун маъсуллик ҳисини уйғотишга бўлган интилишини аниқлашга ёрдам беради.

3. Туркистон ўлкаси таълим муассасаларининг тузилмаси маъмурий-консерватив модели асосида ташкил этилиши ва бошқарилиши, маҳаллий аҳоли таълимининг “эътиборсиз қолдирилиши” мактаблар сони билан аҳоли саводхонлик даражаси ўртасидаги уйғунликнинг чекланишига сабаб бўлган. Шунингдек, жади́д мактабларининг таъқибга олиниши, тажрибали, илмли мударрисларнинг таълим жараёнидан четлатилиши, маҳаллий халқ таълимининг молиявий таъминотдан (вақфдан) узилиши маҳаллий аҳоли саводхонлик даражасига салбий таъсир кўрсатганлиги ксенофобиянинг кучайишига олиб келганлиги таълим муассасалари бошқаруви асосида бўлган.

4. Туркистон халқ таълимининг чоризм тузуми сиёсати манфаатлари йўлида ташкил этилиши ва бошқарилиши, таълим жараёнининг ижтимоий табақалаштириш тамойиллари асосида олиб борилиши, маҳаллий халқнинг таълим олиш имкониятлари қискартирилиши оқибатида маҳаллий аҳоли онгига қарамлик, саводсизлик тамғаси таълим жараёни орқали сингдирилганлигини инкор қилиб бўлмайди.

5. Жади́длар таълим тизимини тубдан ўзгартириб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Улар ташкил этган мактаблар анъанавий мактаблар фаолиятига кучли таъсир кўрсатди, хусусан, уларни дастурлари ва ўқитиш усулларини ўзгартиришга ундаган. Бу, ўз навбатида, мусулмон дунёқарашига зид бўлган тил ва ёзишни ўргатишнинг фонетик усулини, арифметикани, географияни ва айниқса табиий фанларни ўрганишни кескин қоралаган консерваторларнинг норозилигига сабаб бўлди.

6. Жади́дчиликнинг мохияти шахсни ва жамиятни ижтимоий организмнинг идрок этиш: диний мактабни модернизация қилиш, миллий адабиётни ривожлантириш, босма оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, босиб